

Масжидда шеър, олди-сотди қилиш мумкин эмас



19:04 / 04.07.2021 1848

دُشَانَتَنْ عَمَلَسَو هَلْعُ هَلَلَا لَصَّيْبَنْ لَآ عَنِّيْ اَسْنَلَاوِيْ ذِمَّرْتَلَلَو
سَانَلَا قَلْحَتَيْ نَاوِيْ فِ اَرْتَشَالَاوِ عِيْبَلَا نَعُوْ بِحَسْمَلَا يَفِرَاغْشَالَا
ةَالْصَلَالْبَقَّةُ غُمُجَلَا مَوِيْ

Термизий ва Насайлар келтирган ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда шеър айтишдан, олди-сотди ва Жума куни намоздан олдин ҳалқа бўлиб ўтиришдан наҳий қилдилар», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда масжид одобларидан уchtаси ҳақида сўз бормоқда:

1. Масжидда шеър айтиш мумкин эмаслиги.

Чунки одатда шеърларда ҳажв, баъзи ноқулай истиоралар бўлади. Бу нарсалар масжидга тўғри келмаганлигидан у ерларда шеър айтиш ман қилинган. Лекин манфаатли, одоб-ахлоқ хусусидаги шеър бўлса, жоиз.

2. Масжидда олди-сотди қилиш мумкин эмаслиги.

Чунки олди-сотди учун бозор, савдо дўконлари бор, ўша жойларда қилиш керак. Масжид бозор ёки савдо маркази эмас.

3. Жума кунлари Жума намозидан олдин ҳалқа бўлиб ўтирмаслик.

Чунки бу кунда масжидга кўп одам келиши маълум. Ҳалқа бўлиб ўтирилса, саф олишга ҳалал бериши мумкин. Бу куни масжидга келган келган одамлар олдинги сафлардан жой олиб ўтиришлари керак.

Ушбу нарсаларга ҳаётимизда тўла амал қила бошласак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини бажо келтирган бўламиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди